

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.72.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДОШОВ ЛАЗИЗ ТОЛИБОВИЧ**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ  
ОҚАВА СУВЛАРИНИ ТОЗАЛАШНИНГ БИОТЕХНОЛОГИК  
АСОСЛАРИ**

**03.00.12 – Биотехнология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Юлдошов Лазиз Толибович**

Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик корхоналари оқова сувларини  
тозалашнинг биотехнологик асослари ..... 3

**Юлдошов Лазиз Толибович**

Биотехнологические основы очистка сточных вод промышленных и  
сельскохозяйственных предприятиях ..... 21

**Yuldoshov Laziz Tolibovich**

Improvement of the process of wastewater treatment of dyeing and finishing  
production..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.72.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДОШОВ ЛАЗИЗ ТОЛИБОВИЧ**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ  
ОҚАВА СУВЛАРИНИ ТОЗАЛАШНИНГ БИОТЕХНОЛОГИК  
АСОСЛАРИ**

**03.00.12 – Биотехнология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/В348 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бўриев Сулаймон Бўриевич  
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедова Захро Рахматовна  
биология фанлари доктори, профессор

Жумаев Фарход Ҳожиқурбонovich  
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:


Хоразм Маъмун академияси

Диссертация химояси. Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.В.72.02. рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «1» 02 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Муҳаммад Икбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12; e-mail: [bsu\\_info@edu.uz](mailto:bsu_info@edu.uz), Бухоро давлат университети биноси, Блок № 1, 2 - кават, конференциялар зали).


Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 10 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Муҳаммад Икбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» январ кuni тарқатилди.  
(2022 йил «01» 02 11 даги рақамли реестр баённомаси).



  
А.Э. Холлиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор

  
Н.Э. Рашидов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раисининг ўринбосари, б.ф.н., доцент

  
Х.Т. Артикова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
б.ф.д., профессор

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё микёсида сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш, сув хавзаларининг ҳар хил чиқиндилар билан ифлосланишини олдини олиш ва ишлаб чиқаришнинг тобора кенгайиши натижасида тоза сувларнинг қайта ифлосланиш даражаси ортиб бориши билан боғлиқ бўлган экологик муаммолар атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун, табиий ва сунъий сув хавзаларига аҳоли турар жойларидан, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналаридан чиқадиган сувлар тозаланмасдан бевосита оқава сувларга айланиб бормоқда. Шу ўринда, чиқинди сувларни самарали тозалаш усуллари янада такомиллаштириш ҳамда бундай сувлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш бўйича катта эътибор берилмоқда.

Жаҳонда ҳар хил чиқиндилар билан ифлосланган сувлар таркибида зарарли бирикмаларнинг кўп бўлиши аҳоли соғлиғи ва экологик мувозанатнинг бузилиши туфайли сувларни биологик усуллардан фойдаланиб тозалаш ва тозаланган сувлардан қайта фойдаланиш имкониятларини яратиш, балиқчилик фермер хўжаликларининг балиқ маҳсулдорлигини ошириш учун уларнинг озуқа рационини ўрганиш ҳамда сув ўсимликлари биомассасини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тоза сув сарфини камайтириш орқали чиқарилаётган оқава сувларни иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган усуллардан фойдаланиш, оқава сувларнинг ҳосил бўлиш жараёни ва таркибида биологик фаол моддаларга бой бўлган макрофит ўсимликлар ёрдамида бундай сувларни тозалаш даражаларини аниқлаш ва хусусиятларини тадқиқ қилиш орқали ундан халқ хўжалиги соҳасида самарали қайта фойдаланиш, озуқабоп бўлган юксак ўсимлик турларни кўпайтириш ва улардан биомасса олиш, олинган биомассани балиқларга кўшимча озуқа сифатида қўллаш ва балиқ маҳсулдорлигини ошириш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш ва сув манбаларини тоза гигиеник ҳолда сақлаш, оқава сувларни биологик тозалаш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, ҳар хил даражада ифлосланган ва ичишга яроқсиз бўлган сувлар айланишида атроф-муҳитга бўлган салбий таъсир кучини пасайтириш борасида оқава сувларни тозалаш усуллари ва технологияси такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “... мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, юксак сув ўсимликларидан пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряскани (*Lemna minor* L.) ўстириш, кўпайтириш, қишлоқ хўжалик корхоналари оқава сувларнинг физик-кимёвий таркибини аниқлаш ҳамда оқава сувларни органик-минерал моддалардан тозалаш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги, 2019-йил 17-июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув объекларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 9-октябрдаги ПҚ-4486-сон “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларга боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Оқава сувларнинг ҳосил бўлиш хусусиятлари ва улардан қайта фойдаланиш борасида хорижлик олимлардан Anthony Okoh (2007); E. Emmanuel (2007); Hanife Buyukgungor (2009); Levent Gurel (2009); Jayashree Dhote (2012); Sangita Ingoleb (2012); Mirela Suceveanu (2018); Irina-Claudia Alexa (2018); Maggie (2019); Moses Basiterea (2019) ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ қилинган.

В.Т. Емцев (2006), Н.И. Богданов (2008), Н.В. Загоскина (2009), Л.В. Назаренко (2009), К.Е. Гуля (2012), Б.К. Заядан (2013), А.К. Садвакасова (2013), А.С. Овчинников (2016); Е.А. Пивень (2016) томонидан ҳосил бўлган оқава сувларни тозалаш борасида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Ўзбекистондаги саноат корхоналари, коммунал-маиший, паррандачилик, сувоқава корхоналари ва нефтни қайта ишлаш заводи оқава сувларининг ҳосил бўлиши ва уларни тозалашни ўрганиш бўйича ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилган ва олинган натижалар А.М. Музаффаров (1972); Р.Ш. Шоякубов (1975); О.А. Аккошқаров (1986); Р.М. Алиева (1987); А. Абдукадиров (1990); С.Б. Бўриев (1993); К.И. Айтметова (1998); Ё.Қ. Ҳайитов (2001); Н.Э. Рашидов (2001); Ж. Қутлиев (2004); М.И. Мустафоева (2003); С.О. Хўжжиев (2010) ва бошқа олимлар ишларида баён қилинган.

Бироқ, Бухоро вилоятидаги нефтни қайта ишлаш заводи, паррандачилик ва сувоқава корхоналаридан чиқариладиган оқава сувларни тозалаш учун ҳозирги вақтда иқтисодий ва экологик талабларга мос келадиган усулни танлаш, оқава сувларининг физик-кимёвий таркибини аниқлаш ҳамда макрофит ўсимликлар кесимида оқава сувларни тозалаш даражалари ва ундан самарали фойдаланиш ва биотехнологик усулларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети Биология кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг №2 “Бухоро вилоятидан чиқадиган оқава сувларни биологик усулда тозалаш биотехнологияси” (2018-2021) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик корхоналари оқава сувларида юксак сув ўсимликларидан пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряскани (*Lemna minor* L.) ўстириш, кўпайтириш ҳамда оқава сувларни органо-минерал моддалардан тозалаш даражасини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик корхоналари оқава сувларининг физик-кимёвий таркибини аниқлаш;

ишлаб чиқариш корхонаси оқава сувларида лаборатория шароитида пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигини ўрганиш;

пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимликларининг биологик ҳовузларда ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш;

макрофит ўсимликлар ёрдамида оқава сувларни органо - минерал моддалардан тозалаш даражасини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилоятидаги нефтни қайта ишлаш заводи, паррандачилик ва сувоқава корхоналари оқава сувлари ҳамда юксак сув ўсимликларидан пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимликлари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети.** Юксак сув ўсимликлари, уларни оқава сувларда кўпайтириш, оқава сувларнинг физик-кимёвий таркиби ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар давомида физик-кимёвий, биологик, стационар, экспедиция ва тажриба, лаборатория ҳамда математик статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик корхоналари оқава сувларини биотехнологик услублар асосида *Pistia stratiotes* L. ўсимлиги 1м<sup>2</sup> сув юзасида 100-120 дан 800-900 грамм гача биомасса тўплаши ҳамда оқава сувларни органо-минерал моддалардан тозалаш даражаси 90-95% гача етганлиги аниқланган;

*Lemna minor* L. ўсимлиги нефтни қайта ишлаш заводи, паррандачилик ва сувоқава корхоналари оқава сувларида жадал ривожланган ҳамда 1м<sup>2</sup> сув юзасида 100-150 дан 500-623 грамм, сувдаги ҳар хил органо-минерал моддалардан тозаланиш даражаси 92-96% гача бўлиши илмий асосланган;

кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги сувоқава корхонаси биологик ҳовузлари оқава сувларида кўпайтириш натижасида оқ амур балиғи маҳсулдорлиги назоратга нисбатан 25-30% гача ошиши аниқланган;

нефтни қайта ишлаш заводи оқава сувларини органино-минерал моддалардан тозалаш самарадорлиги баҳоланганда макрофит ўсимликлардан пистия (*Pistia stratiotes* L.) нинг тозалаш даражаси кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигига нисбатан юқорилиги аниқланган;

*Pistia stratiotes* L. ўсимлигини биомассаси жадал ҳосил бўлишини ҳисобга олган ҳолда, ундан биогумус тайёрлашда хом ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Бухоро вилоятидаги ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқадиган оқава сувларида юксак сув ўсимликларидан пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигини ўстириш, оқава сувларни тозалаш, тозаланган сувни халқ хўжалигида қўллаш ҳамда таркибида биологик фаол моддаларга бой бўлган ўсимлик турларини балиқчиликда озуқа сифатида қўллаш жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Замонавий усулларнинг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, маълумотларнинг давлат табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолиятига киритилганлиги, хулосалар амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги ҳар хил оқава сувларда экилиб, фаоллик билан ривожланиб, кўп миқдорда ўсимлик биомасса ҳосил қилиши билан бир қаторда, оқава сувларни органино-минерал моддалардан тозалаш даражаси аниқланган. Пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигининг оқава сувларда ўсиши, ривожланиши ҳамда оқава сувларни тозалаш даражаси илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, оқава сувларда кўпайтирилган кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги балиқчиликда озуқа сифатида қўлланилди ва тозаланган оқава сувлар қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда ишлатилиши учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик корхоналари оқава сувларини тозалашнинг биотехнологик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*Pistia stratiotes* L. ва *Lemna minor* L. турлари паррандачилик, чорвачилик, коммунал хўжалик корхоналарининг оқава сувларини тозалашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 2 февралдаги 03-02/3-271-сон маълумотномаси). Натижада, сувда эриган кислород 95% ошганлиги ва аммиак, нитрит, нитратлар 94-97% га камайганлиги ҳамда тозалаш самардорлиги 96% га ошиш имконини берган;

*Lemna minor* L. ўсимлиги “Бухоро Беламур” фермер хўжалигида оқ амур балиқларига озиқа сифатида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг 2020 йил 12 февралдаги №08/164-сон



маълумотномаси). Натижада, балиқ маҳсулдорлиги қўшимча 25-30 % фоизга ошириш имконияти пайдо бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола жумладан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий давлатлар ва мамлакатимизда ўтказилган илмий тадқиқотларнинг қисқа маълумоти келтирилган бўлиб, унда ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик корхоналари оқова сувларини тозалашнинг замонавий ҳолати кўриб чиқилган. Оқова сувларни тозалашнинг назарий ва амалий усуллари батафсил кўриб чиқилган. Адабиётларнинг танқидий таҳлили натижасида диссертациянинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари, услублари ва шароитлари”** деб номланувчи иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган корхоналар оқова сувларининг физик-кимёвий хусусиятлари, экспериментларни бажариш усуллари, оқова сувларни тозалашгача ва тозалашдан кейинги таркибини физик-кимёвий аниқлаш усуллари моҳияти баён этилган. Бухоро вилоятидаги нефтни қайта ишлаш заводи, паррандачилик ва сувоқова корхоналари оқова сувларидан намуналар олинди, унинг физик - кимёвий таркиби Бухоро вилояти экология ва атроф - муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг лабораториясида таҳлил қилинди. Сув анализлари Бухоро давлат университети биология кафедраси қошидаги Биотехнология ва ихтиология илмий-тадқиқот лабораториясида аниқланди.

Юксак сув ўсимликлари маҳсулдорлигини аниқлашда Т.Т. Таубаев, В.М. Катанская ва ўсимликларни фенологик кузатишда И.Н. Бейдеман тавсияларидан фойдаланилди. Оқава сувларда юксак сув ўсимликларининг ўсиши ва ривожланиши, ҳосил бўлган биомассаси тарозида ўлчаш йўли билан аниқланган. Оқава сувларнинг физик - кимёвий таркиби, ўсимликлар эккангача ва эккандан кейинги таркиби умумгидрокимёвий Ю.Ю. Льюре ва Н.С. Строгонов услублари асосида аниқланган.

Диссертациянинг **“Оқава сувларда юксак сув ўсимликларини кўпайтириш ва сувларни тозалашнинг биотехнологик асослари”** деб номланган учинчи бобида нефтни қайта ишлаш заводи оқава сувида пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигини кўпайтириш ва унинг сувни тозалаш хусусиятлари, нефть маҳсулотларини сақловчи оқава сувларда кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигини кўпайтириш ва унинг нефть маҳсулотларидан тозалаш хусусиятлари, паррандачилик корхонаси оқава сувларида пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигини кўпайтириш ва унинг органиано-минерал моддалардан тозалаш хусусиятлари, паррандачилик корхонаси оқава сувларида кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигини кўпайтириш ва унинг органиано - минерал моддалардан тозалаш даражаси бўйича олинган натижалар келтирилган.

Олинган маълумотларга қараганда, биринчи вариантдаги оқава сувда кислороднинг биокимёвий сарфланиш фаоллиги - 210,8 мгО<sub>2</sub>/л ҳамда унинг оксидланиш даражаси - 174,5 мгО<sub>2</sub> /л га тенг бўлди. Айти пайтда аммиак миқдори - 5 мг/л, нитритлар - 0,02 мг/л; нитратлар - 4,5; хлоридлар - 98,4 мг/л, сульфатлар - 110,5 мг/л атрофида бўлиши қайд этилди. Биринчи вариантдаги оқава сув таркибидаги нефть маҳсулотлари қиймати - 78,8 мг/л га тенг бўлди.

Оқава сув водопровод суви билан (50% оқава сув 50% водопровод суви) 1:1 нисбатда суюлтирилган биринчи вариантдаги кўрсаткичлар кесимида ҳам фарқлар кузатилди. Бунда сувнинг муҳити, яъни, рН - 6,5, ҳиди - 3,0 балл бўлди. Сувнинг ранги оч сарғиш бўлиб, муаллақ моддалар миқдори - 83,0 мг/л ни ташкил этди. Сувда эриган кислород - 1,5 мг/л, кислороднинг биокимёвий сарфланиши - 98,8 мгО<sub>2</sub>/л, оксидланиш даражаси - 104,5 мгО<sub>2</sub>/л бўлганлиги қайд этилди. Шунингдек, аммиак - 3,5 мг/л, нитритлар - 0,02 мг/л, нитратлар - 3,2 мг/л, хлоридлар - 51,5 мг/л, сульфатлар миқдори - 64,5 мг/л даражасида бўлиши аниқланди. Оқава+водопровод суви, 1:1 нисбатда арлаштирилганда нефть маҳсулотлари миқдори - 40,5 мг/ллиги аниқланди.


Нефтни қайта ишлаш заводи оқава сувларининг тажрибадан кейинги физик-кимёвий таркибини характерловчи кўрсаткичларнинг ҳар хил даражада ўзгариши кузатилди. Кичик ряска (*Lemna minor* L.) нинг ривожланиши натижасида аммиак, нитритлар ва нитратлар ўсимликлар томонидан тўлиқ ўзлаштирилганлиги аниқланди. Бундай сувлар таркибида хлоридлар - 87,5 мг/л ва сульфатлар миқдори эса - 93,4 мг/л гача пасайиши бўйича рақамли маълумотлар 1-жадвалда қайд этилган.

**Нефтни қайта ишлаш заводи оқава сувлари физик-кимёвий таркибининг кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигини эккангача ва эккандан кейинги ўзгаришлари**

Т/р	Кўрсаткичлар	Тажрибага қадар:		Тажрибадан кейин:	
		Оқава сув таркиби	Оқава+ водопровод суви,(1:1)	Оқава сув таркиби	Оқава + водопровод суви,(1:1)
1.	рН	6,0±0,07	6,5±0,06	7,0±0,08	7,5±0,07
2.	Ҳиди, балл	5,0±0,03	3,0±0,04	йўқ	йўқ
3.	Ранги	қизғиш	оч сарғиш	оқимтир	оқимтир
4.	Ҳарорат, °С	25,0±0,25	25,0±0,25	26,0±0,21	26,0±0,21
5.	Муаллақ моддалар, мг/л	129,0±3,9	83,0±3,2	69,3±3,1	43,5±1,8
6.	Сувда эриган кислород, мг/л	йўқ	1,5±0,05	3,5±0,12	4,5±0,16
7.	КБС <sub>5</sub> , мгО <sub>2</sub> /л	210,8±5,6	98,8±3,2	32,5±1,1	23,8±1,5
8.	Оксидланиш, мгО <sub>2</sub> /л	174,5±5,5	104,5±3,3	30,5±1,5	21,4±0,62
9.	Аммиак, мг/л	5,0±0,14	3,5±0,08	йўқ	йўқ
10.	Нитритлар, мг/л	0,02±0,001	0,02±0,001	йўқ	йўқ
11.	Нитратлар, мг/л	4,5±0,12	3,2±0,9	йўқ	йўқ
12.	Хлоридлар, мг/л	98,4±3,6	51,5±1,9	87,5±4,1	43,4±1,6
13.	Сульфатлар, мг/л	110,5±3,8	64,5±1,8	93,4±2,9	54,5±2,1
14.	Нефть маҳсулотлари, мг/л	78,8±2,5	40,5±1,2	43,8±1,9	25,7±1,2
15.	Ўсимлик биомассаси, г/м <sup>2</sup>	100±5,6	100±3,8	500±2,13	623±7,3

Дастлабки тажрибаларда пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимликларининг оқава сувлар таркибидаги органо-минерал моддаларни ўзлаштириш кўрсаткичлари ўзаро таққосланганда, сув таркибидаги аксарият бирикмалар миқдорини пасайтиришда пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги самарадорлик даражаси юқорилиги кузатилди.

Бунда оқава сув таркибидаги биоген элементлар ҳар иккала ўсимлик томонидан тажрибанинг охирида тўлиқ ўзлаштирилганлиги қайд қилинди. Юқорида олиб борилган, яъни оқава сувларни 1:1 нисбатда суюлтирилган ҳолда ўтказилган тажрибалар асосида олинган маълумотлар солиштирма таҳлил қилинди (1-расм).



**1-расм. Нефтни қайта ишлаш заводи оқава сувлари суюлтирилган шароитда пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимликлари ёрдамида тозалаш даражасининг солиштирма кўрсаткичлари**

Келтирилган маълумотларга қараганда, тажрибанинг барча назорат вариантларида муаллақ моддалар миқдорининг юқорилиги кузатилди. Муаллақ моддалар миқдори пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги таъсирида - 25,4 мг/л, кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги таъсирида - 43,5 мг/л гача камайди. Тажрибанинг назорат вариантыда кислороднинг биокимёвий сарфланиш қиймати - 98,8 бўлса, бу кўрсаткич мос равишда пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигида - 17,9 ҳамда кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигида - 23,8 мгO<sub>2</sub>/л бўлди.

1:1 нисбатда суюлтирилган тажриба вариантларида иккала ўсимлик фаолияти натижасида сульфатлар ва хлоридлар миқдорининг ҳам назоратга нисбатан пасайиши аниқланди. Ҳар иккала ўсимликлар биомассаси суюлтирилган ҳолдаги оқава сув вариантыда бир-бири билан ўзаро таққосланганда, нефтни қайта ишлаш заводидан ҳосил бўладиган оқава сувларда пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигининг сувни тозалаш даражаси ва маҳсулдорлик даражасининг кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигига нисбатан юқорилиги аниқланди.

Паррандачилик корхонасидан чиқадиган оқава сувларда етиштирилган пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигининг умумий биомассаси тажрибалар охирида биринчи вариантда - 458,3 г/м<sup>2</sup>, иккинчи вариантда - 413,6 г/м<sup>2</sup>, учинчи вариантда эса - 372,0 г/м<sup>2</sup> бўлди. Ўсимликнинг кунлик ўсиш динамикаси тажрибанинг бошида мос равишда - 42,3; - 36,7 ва - 31,5 г ни ташкил қилди. Пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигини кунлик ўсиш динамикаси тажриба охирида мос равишда - 338,3; - 293,6 ва - 252,0 граммни

ташқил қилди. Парчаланган минерал моддаларни ўсимликлар тезлик билан қабул қилиши эвазига уларнинг жадаллик билан ўсиши қайд этилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Паррандачилик корхонаси оқава сувларида лаборатория шароитида пистия (*Pistia stratiotes* L.) нинг ўсиш ва ривожланиш динамикаси

№	Тажриба вариантлари	Ўсимлиги биомассаси, г/м <sup>2</sup>					
		Экилган пистия массаси, г	Кундалик ўсиш (ўртача)		8 кунлик биомасса		Жами биомасса миқдори, г/м <sup>2</sup>
			г	%	г	%	
1	100% оқава+пистия	120	42,3	35,2	338,3	281,9	458,3
2	75% оқава + 25% водопровод суви	120	36,7	30,5	293,6	244,6	413,6
3	50% оқава + 50% водопровод суви	120	31,5	26,2	252,0	210,0	372,0

Оқава сувларнинг таркиби аниқлангандан кейин ҳар бир аквариумдаги сувнинг 1м<sup>2</sup> юзасига 100 граммдан пистия (*Pistia stratiotes* L) ўсимлиги экилиб, унинг ўсиши, ривожланиши ва кўпайиши 8 кун давомида кузатиб борилди. Шу вақт ичида пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги оқава сув таркибидаги минерал моддаларни ўзлаштириши эвазига унинг биомассаси 1м<sup>2</sup> сув юзаси ҳисобига - 800, 3:1 нисбатда - 715 ва 1:1 нисбатда - 565 граммни ташқил қилди. Сувда эриган кислород миқдори биринчи вариантда - 7,8 мг/л; иккинчи вариантда - 8,9 мг/л; учинчи вариантдаэса - 9,2 мг/л гача кўпайди. Кислороднинг биокимёвий сарфланиши мос равишда - 19,8; - 15,3; ва - 10,5 мгО<sub>2</sub>/л, оксидланиш даражаси мос равишда - 27,5; - 23,6; ва - 20,7 мгО<sub>2</sub>/л гача камайди. Оқава сув таркибидаги аммиак, нитритлар, нитратлар ўсимлик томонидан тўлиқ ўзлаштирилди. Хлоридлар ҳам мос равишда - 80,4; - 69,4; ва - 62,3 мг/л; сульфатлар - 77,8; - 58,3; ва - 41,4 мг/л гача камайиши аниқланди.

Лаборатория шароитида (1. Суюлтирилмаган оқава сув; 2. Оқава 75%+ 25% водопровод суви, 3. Оқава 50%+ 50% водопровод суви) 3 хил вариантда тажрибалар ўтказилди. Барча вариантдаги оқава сувларнинг таркиби аниқланиб, ҳар бир вариантга 100 г/м<sup>2</sup> ҳисобига кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги экилди. Паррандачилик корхонаси оқава сувларига кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги экилганга қадар уларнинг физик - кимёвий таркиби аниқланди.

Бунда кислороднинг биокимёвий сарфланиши биринчи вариантда - 168,4; иккинчи вариантда - 129,5; учинчи вариантда - 79,3 мгО<sub>2</sub>/л бўлди.

Оксидланиш даражаси мос равишда - 174,5; - 131,0; ва - 82,8 мгО<sub>2</sub>/л ни ташкил қилди. Оқава сув таркибидаги аммиаклар мос равишда - 8,0; - 6,0; ва - 4,0 мг/л бўлди. Нитритлар мос равишда - 0,8; - 0,6; ва - 0,4 мг/л, нитратлар - 7,5; - 5,5; ва - 4,5 мг/л га тенг бўлди. Хлоридлар мос равишда - 95,0; - 71,5; ва - 51,9 мг/л ҳамда сульфатлар миқдори - 105,5; - 84,4; ва - 65,8 мг/л даражасида бўлиши қайд этилди. Аммиак миқдори - 8,0; - 6,0; ва - 4,0 мг/л бўлди.

Олинган маълумотларга қарганда, кичик ряска (*Lemna minor* L.) паррандачилик корхонаси оқава сувларида 6 кун мобайнида ривожланиши кузатилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Паррандачилик корхоналари оқава сувларида кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигининг ривожланиши, г/м<sup>2</sup>


№	Вариантлар	кичик рясканинг ривожланиши кунлари:					
		1	2	3	4	5	6
1	Оқава сув	100	150	285	400	625	750
2	Оқава 75%+25% водопровод суви	100	185	230	375	520	610
3	Оқава 50%+50% водопровод суви	100	190	255	320	350	400

Олинган маълумотларга кўра, биринчи вариантда 1м<sup>2</sup> сув юзасида 100 г дан 750 г, иккинчи вариантда 100 г дан 610 г, учинчи вариантда эса 100 г дан 400 г гача биомасса тўпланганлиги аниқланди. Тажриба натижаларига қараганда, 100% оқава сувнинг ўзига экилган ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, кўп миқдорда биомасса ҳосил қилиши ҳамда сувнинг тозаланиш даражаси юқори эканлиги қайд этилди.

Келтирилган маълумотларга қараганда, назорат ва тажриба вариантлари ўртасида ҳамда ўрганилган сув ўсимликлар кесимида фарқларнинг мавжудлиги аниқланди. Тажрибалар натижасига қараганда, назорат вариантыда муаллақ моддаларнинг миқдори бир мунча юқорилиги, пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги экилган вариантда бу бирикмалар миқдори назоратга нисбатан - 82,3 % га, кичик ряска (*Lemna minor* L.) экилган вариантларда - 62,4 мг/л гача камайганлиги аниқланди. Бу каби ўзаро боғлиқликлар сувнинг оксидланиш даражасида ҳам кузатилди. Тажрибанинг назорат вариантыда сульфатлар миқдорининг юқорилиги аниқланди. Аммо, пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) экилган вариантларда бу кўрсаткич қийматининг яққол пасайиши қайд этилди. Сульфатлар миқдори мос равишда - 105,5; - 78,8; ва - 68,3 мг/л ни ташкил қилди. Бу каби ўзаро боғлиқликлар назорат ҳамда пистия (*Pistia stratiotes* L.)

ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) экилган тажриба вариантларида ҳам қайд этилди.

Изланишлар давомида оқава сувдан ташқари суюлтирилган вариантларда ҳам солиштирма таҳлиллар олиб борилди 2-расм.



**2-расм. Паррандачилик корхонаси суюлтирилган оқава сувларини пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимликлари ёрдамида тозалаш даражасининг солиштирма кўрсаткичлари**

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, оқава ва водопровод суви билан (1:1) нисбатда суюлтирилганда, муаллақ моддалар миқдори дастлаб - 79,5 мг/лга тенг бўлган бўлса, пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги экилган сувдаги бу кўрсаткич - 26,2 мг/лга, кичик ряска ўсимлиги экилган сувдаги кўрсаткич эса - 15,8 мг/л гача камайганлиги аниқланди. Назорат вариантыдаги сувда эриган кислород миқдори - 4,2 мг/л бўлиб, пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги экилган сувда - 9,2 мг/л ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги экилган сувда эса - 9,8 мг/га ошганлиги қайд этилган. Айти пайтда оксидланиш даражаси назорат вариантыда - 82,8, пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги экилган сувда - 20,7 га ҳамда кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги экилган сувда эса - 19,4 мгO<sub>2</sub>/л гача камайиши кузатилди. Оқава сувдаги бундай ўзаро боғлиқликлар сульфатлар миқдорига ҳам тегишли. Назорат вариантыдаги сульфатлар миқдори - 65,8 мг/л бўлса, пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги экилган сувда - 41,4 мг/л ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги экилган сувда - 39,4 мг/лгача камайганлиги қайд этилди.

Демак, паррандачилик корхонасидан чиқадиган оқава сувларни тозалашда қўлланилган пистия (*Pistia stratiotes* L.) ҳамда кичик ряска

(*Lemna minor* L.) ўсимликлари аниқланган кўрсаткичлар кесимида ўзаро фарқ қилиши кузатилди. Олинган рақамли маълумотларни солиштирма таҳлил қилинганда, кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигининг оқава сувларни тозалаш самарадорлиги пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигига нисбатан юқори эканлиги илмий асосланди.

Диссертациянинг **“Оқава сувларда юксак сув ўсимликларининг ўсиши ва ривожланиши ҳамда балиқчиликда қўллаш истиқболлари”** деб номланган тўртинчи бобида Бухоро шаҳридан чиқадиган оқава сувларда пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигининг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари, Бухоро шаҳридан чиқадиган оқава сувларда кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигини кўпайтириш ва балиқларга озуқа сифатида қўллаш самарадорлиги келтирилган.

Бухоро шаҳридан чиқадиган оқава сувларда ўсиши, ривожланиши, кўпайиши ва сувларни ҳар хил ифлосликдан тозалаш даражасини аниқлаш учун олиб борилган тажрибалар давомида оқава сув 1:1 нисбатда, яъни, 50% оқава сув + 50% водопровод суви билан суюлтирилганда сувда эриган кислород миқдори - 3,2 мг/л га тенг бўлиб, кислороднинг биокимёвий сарфланиши юқори - 68,0 мгО<sub>2</sub>/л, оксидланиш даражаси - 42,3 мгО<sub>2</sub>/л, аммиак - 6,5 мг/л, нитритлар - 0,4 мг/л, нитратлар - 5,5 мг/л, сульфатлар - 55,8 мг/л, хлоридлар - 48,5 мг/лга ўзгаргани аниқланди. Оқава сувни 3;1 нисбатда ва 1:1 нисбатда суюлтирилганда таркибидаги органио - минерал моддалар миқдорининг пасайиши кузатилди.

Олиб борилган тажрибалардан сўнг, оқава сувларнинг таркиби аниқланганда, муаллақ моддалар - 40,3 мг/л, сувда эриган кислород - 5,8 мг/л, кислороднинг биокимёвий сарфланиши - 42,3 мгО<sub>2</sub>/л, оксидланиш даражаси - 71,1 мгО<sub>2</sub>/л бўлди. Аммиак, нитрит, нитратлар ўсимликлар томонидан тўлиқ ўзлаштирилди. Сульфатлар - 48,8 мг/л, хлоридлар - 53,2 мг/лга камайганлиги кузатилди.

Тажриба давомида суюлтирилмаган оқава сувда пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигининг маҳсулдорлиги - 948 г/м<sup>2</sup>, 3:1 нисбатда - 635 г/м<sup>2</sup> ва 1:1 нисбатда - 510 г/м<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Тажриба натижларига қараганда, Бухоро шаҳридан чиқадиган оқава сувларни водопровод сувлари билан суюлтирмасдан тўғридан - тўғри пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги экилди. Тажрибалар якунида пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги кўп миқдорда биомасса ҳосил қилди ва сувни органио - минерал моддалардан 90 - 95% гача тозалаш мумкинлиги асосланди.

Бухоро шаҳридан чиқадиган оқава сувларда кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигини кўпайтириш ва балиқларга озуқа сифатида қўллаш самарадорлигини аниқлаш учун ҳар бир биологик ҳовузнинг майдони 500 м<sup>2</sup>, чуқурлиги тахминан 1 - 1,5 м атрофидаги ҳовузлар танлаб олинди.

Суюлтирилмаган оқава сувларнинг таркиби аниқланганда, сувнинг ранги жигарранг кўнғир, рН муҳити - 6,2, хиди юқори - 5,0 балл, муаллақ моддалар - 154,0 мг/л, сувда эриган кислород - 2,0 мг/л. Кислороднинг биокимёвий сарфланиши юқори - 167,5 мгО<sub>2</sub>/л, оксидланиш даражаси - 144,8 мг О<sub>2</sub>/л, аммиак - 14,0 мг/л, нитритлар - 0,8 мг/л, нитратлар - 12,0 мг/л,



сульфатлар - 108,4 мг/л, хлоридлар - 112,3 мг/л ни ташкил қилди. 3:1 нисбатда суюлтирилган оқава сувларнинг таркиби аниқланганда, сувнинг ранги очроқ жигарранг қўнғир, рН - 7,1, ҳиди - 4,7 балл, сувда эриган кислород - 2,8. Муаллақ моддалар миқдори - 108,4 мг/л, кислороднинг биокимёвий сарфланиши - 94,5 мгО<sub>2</sub>/л, оксидланиш даражаси - 63,2 мгО<sub>2</sub>/л, аммиак - 10,3 мг/л, нитритлар - 0,6 мг/л, нитратлар - 8,4 мг/л, сульфатлар - 82,0 мг/л, хлоридлар - 93,0 мг/л бўлганлиги аниқланди.


Тажриба давомида оқава сув 1:1 нисбатда, яъни, 50% оқава сув + 50% водопровод суви билан суюлтирилганда ҳарорат ўзгармади - 27,0<sup>0</sup>С. Сувнинг ранги оч жигарранг қўнғир, сувнинг рН муҳити - 7,0, ҳиди - 4,5 балл, муаллақ моддалар - 74,7 мг/л, сувда эриган кислород - 3,2 мг/л. Кислороднинг биокимёвий сарфланиши юқори - 68,0 мгО<sub>2</sub>/л, оксидланиш даражаси - 42,3 мгО<sub>2</sub>/л, аммиак - 6,5 мг/л, нитритлар - 0,4 мг/л, нитратлар - 5,5 мг/л, сульфатлар - 55,8 мг/л, хлоридлар - 48,5 мг/л га ўзгаргани аниқланди. Оқава сувни 3:1 нисбатда ва 1:1 нисбатда суюлтирилганда таркибидаги органик - минерал моддалар миқдорининг пасайиши кузатилди.

Ҳар бир идишдаги оқава сувнинг 1м<sup>2</sup> юзасига 150 грамм кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги экилиб, унинг ўсиши ва ривожланиши, кўпайиши 8 кун давомида кузатилди. Тажрибанинг охири куни кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигининг биомассаси йиғиб, тарозида тортилганда 1м<sup>2</sup> сув юзасида 625 грамм биомассани ташкил қилди. Сувда эриган кислород миқдори - 7,5 мг/л, кислороднинг биокимёвий сарфланиши - 19,5 мгО<sub>2</sub>/л, оксидланиш даражаси - 23,2 мгО<sub>2</sub>/л бўлиб, аммиак, нитрит ҳамда нитратлар ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиб, сульфатлар - 38,3, хлоридлар миқдори эса - 52,5 мг/л бўлиши қайд этилди.

Биологик ҳовузга кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги экилгунга қадар, оқава сувнинг таркиби аниқланганда, рН кўрсаткичи - 6,5, ранги оч қизил, ҳиди - 5 балл, сувда эриган кислороднинг йўқлиги, кислороднинг биокимёвий сарфланиши - 167,5 мгО<sub>2</sub>/л, оксидланиш даражаси - 144,8 мгО<sub>2</sub>/л бўлди. Ўсимлик эккандан кейинги сувни таркибида аммиак - 8,0 мг/л, нитритлар - 0,8 мг/л, нитратлар - 7,0 мг/л, сульфатлар - 78,3 мг/л, хлоридлар - 85,8 мг/л ни ташкил қилди.

Биологик ҳовузга кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги экиб, 10 кун давомида кузатгандан кейинги оқава сувнинг таркиби аниқланди. Бунда ранги тиниқ, ҳиди - 0 балл. Сувда эриган кислород - 7,0 мг/л, кислороднинг биокимёвий сарфланиши - 18,5 мгО<sub>2</sub>/л, оксидланиш даражаси - 25,8 мгО<sub>2</sub>/л ни ташкил қилди. Аммиак, нитрит, нитратларни ўсимликлар тўлиқ ўзлаштиргани, сульфатлар - 35,3 мг/л, хлоридлар миқдори - 49,4 мг/л гача камайганлиги кузатилди. Тажрибанинг 10 кунда ўсимликлар биомассаси йиғилиб, ҳар бир биологик ҳовуздан - 425 кг яшил биомасса олинди.

Бухоро шаҳридан чиқадиган оқава сувларини суюлтирилган вариантда пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимликлари ёрдамида тозалаш даражаси ҳам солиштирма таҳлил қилинди (3-расм).



### 3-расм. Бухоро шахридан чиқадиган оқава сувларини суюлтирилган вариантда пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимликлари ёрдамида тозалаш даражасининг солиштирма кўрсаткичлари

Бунда суюлтирилмаган тажриба ва назорат вариантларига қараганда суюлтирилган назорат ва тажриба вариантларида барча рақамли маълумотларнинг ҳар хил даражада пасайиши кузатилди. Суюлтирилган назорат вариантыда муаллақ моддалар миқдори - 74,7 мг/л бўлгани ҳолда, пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги экилган вариантда бу кўрсаткич - 22,4 мг/л ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги экилган вариантда эса - 19,6 мг/л гача камайганлиги қайд этилди.

Айни пайтда сувда эриган kisлород миқдори назорат вариантыга нисбатан бир мунча ошганлиги кузатилди. Яъни, пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги экилган тажриба вариантларида назоратга нисбатан мос равишда - 5 - 5,5 мг/л гача ошганлиги аниқланди. Бунда пистия (*Pistia stratiotes* L.) экилган вариантда аниқланган кўрсаткичлар кичик ряска (*Lemna minor* L.) га нисбатан энг юқори бўлди. Kisлороднинг биокимёвий сарфланиши назорат вариантыда - 68,0 мгO<sub>2</sub>/л га ошиши аниқланди. Бу кўрсаткич қиймати пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги ўстирилган муҳитда мос равишда - 19,4 мгO<sub>2</sub>/л дан - 16,9 мгO<sub>2</sub>/л гача пасайиши кузатилди. Оксидланиш даражаси назорат вариантыда пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги экилган тажриба вариантларига қараганда, икки баробар юқори бўлди. Сульфатлар назорат вариантыда - 55,8 мг/л, пистия (*Pistia stratiotes* L.) экилган сувда - 22,3 мг/л, кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги экилган оқава сувда эса - 19,6 мг/л, гача пасайиши аниқланди.

Бу каби ўзаро боғлиқликлар хлоридлар миқдори бўйича ҳам кузатилди. Суюлтирилган оқава сувларда ўстирилган иккала сув ўтлари Бухоро шаҳридан чиқадиган оқава сувларининг тозалаш даражаси ўзаро солиштирилганда, оқава сувларнинг ҳам суюлтирилмаган, ҳам суюлтирилган (1/1 нисбатда) тажриба вариантларида кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигининг сувни тозалаш самарадорлиги пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигига нисбатан юқорилиги илмий асосланди.

Тажрибаларнинг мантиқий давоми сифатида Бухоро белагур балиқчилик фермер хўжалигининг 2 та 1 гектарлик ҳовузларидан фойдаланилди. Биринчи бир гектарлик ҳовузнинг назорат вариантыда 1000 дона 100 г карп (*Cyprinus carpio* L.) балиқлари, 1500 дона 120 г оқ дўнгпешона (*Hypophthalmichthys molitrix* (Val.)) балиқлари ва 700 дона 130 г оқ амур (*Stenopharyngodon idella* (Val.)) балиқлари ўстириш учун юборилди.

Ҳар бир ҳовузда ҳаммаси бўлиб 3200 дона балиқ билан балиқлантирилди. Ҳовузларни балиқлантириш ишлари 2019 йил март ойида амалга оширилди. 2 - бир гектарлик ҳовуздаги карп (*Cyprinus carpio* L.) ва оқ дўнгпешона (*Hypophthalmichthys molitrix* (Val.)) балиқлар хўжаликда шу вақтгача қўлланилган анъанавий усулда боқилган бўлса, оқ амур (*Stenopharyngodon idella* (Val.)) балиқлари Бухоро шаҳридан чиқадиган оқава сувларни тозалаш корхонасининг биологик ҳовузларидаги кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги билан боқилди. Биринчи бир гектарлик назорат ҳовузидаги 700 дона 130 г оқ амур (*Stenopharyngodon idella* (Val.)) балиқлари эса беда ва қамиш каби ўсимликлар билан озиклантирилди.

Октябр ойида назорат учун олинган иккала ҳовузнинг оқ амур балиқлари тана массаси бир - бири билан солиштирилди. Хўжаликнинг биринчи ҳовузидаги оқ амур (*Stenopharyngodon idella* (Val.)) балиқлари анъанавий усулда боқилганда таклиф этилаётган усулга нисбатан самарадорлик кўрсаткичларининг бирмунча пастлиги аниқланди. Бухоро белагур балиқчилик фермер хўжалигининг иккала ҳовузидаги назорат учун олинган оқ амур (*Stenopharyngodon idella* (Val.)) балиқларининг тана массаси солиштирилганда, кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги бериб борилган оқ амур (*Stenopharyngodon idella* (Val.)) балиқларининг маҳсулдорлиги назоратга нисбатан 25 - 30 % гача ошганлиги кузатилди.

## ХУЛОСА

“Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик корхоналари оқава сувларини тозалашнинг биотехнологик асослари” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик корхоналари оқава сувларини биотехнологик услублар асосида тозалаш учун макрофитлардан пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимликлари қўлланилиб, уларнинг оқава сувларда ўсиши, ривожланиши, кўпайиши ва сувларни органико-минерал моддалардан тозалаш даражалари аниқланди.

2. Пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги нефтни қайта ишлаш заводи, паррандачилик ва сувоқава корхоналарининг оқава сувларида фаоллик билан ривожланиб, 1м<sup>2</sup> сув юзасида 100-120 дан 800-900 грамм гача биомасса тўплаши ҳамда оқава сувларни органино-минерал моддалардан тозалаш даражаси 90-95% гача етганлиги қайд этилди.

3. Кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги нефтни қайта ишлаш заводи, паррандачилик ва сувоқава корхоналари оқава сувларида жадал ривожланиб, 1м<sup>2</sup> сув юзасида 100-150 дан 500-623 грамм гача биомасса тўплаши илмий асосланди.

4. Кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги сувоқава корхонаси оқава сувларида фаоллик билан ривожланиб, сувдаги ҳар хил органино-минерал моддалардан тозаланиш даражаси 92-96% бўлиши баҳоланди.

5. Сувоқава корхонаси биологик ҳовузлари оқава сувларида кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигини кўпайтириб, унинг биомассасидан балиқлар маҳсулдорлигини оширишда фойдаланиш эвазига оқ амур балиғининг маҳсулдорлиги назорат вариантыга нисбатан 25-30% гача оширишга эришилган.

6. Нефтни қайта ишлаш заводи оқава сувларини нефть маҳсулотларидан тозалашда фойдаланилган макрофит ўсимликлардан пистия (*Pistia stratiotes* L.) нинг тозалаш даражаси кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлигига қарганда юқорилиги аниқланди. Кичик ряска (*Lemna minor* L.) ўсимлиги эса паррандачилик ва сувоқава корхоналари оқава сувларида жадал ривожланиб, тозалаш самарадорлиги пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигига нисбатан юқорилиги илмий асосланди.

## ТАВСИЯЛАР

1. Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик корхоналаридан ҳосил бўлган оқава сувларни (1:1 ва 3:1 нисбатда) суюлтириб, экилган кичик ряска (*Lemna minor* L.) ҳамда пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимликларининг биомассалари ёрдамида оқава сувларни тозалаш тавсия этилади.

2. Юксак сув ўсимликларидан пистия (*Pistia stratiotes* L.) ва кичик ряска (*Lemna minor* L.) ёрдамида тозаланган оқава сувларни саноат корхоналари шароитида иккиламчи техник сув сифатида қайта ишлатиш ва корхоналар атрофидаги майдонларни суғориш учун тавсия қилинади.

3. Оқава сувларини нефть маҳсулотларидан тозалашда пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигини кўпайтириш эвазига биомассанинг жадал ҳосил бўлишини ҳисобга олган ҳолда, ундан биогурус тайёрлашда хом ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.72.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЮЛДОШОВ ЛАЗИЗ ТОЛИБОВИЧ**

**БИОТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД  
ПРЕДПРИЯТИЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ И СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

**03.00.12 – Биотехнология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована под номером В2019.2.PhD/В348 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Научного совета ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) и на Информационном образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Буриев Сулаймон Буриевич</b> доктор биологических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Ахмедова Захро Рахматовна</b> доктор биологических наук, профессор <b>Джумаев Фарход Ходжикурбанович</b> кандидат биологических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Хорезмская академия Маъмуна</b>

Защита диссертации состоится 1.02 2022 года в 10<sup>00</sup> часов на собрании Научного совета PhD.03/30.12.2019.В.72.02. по присуждению научных степеней при Бухарском государственном университете, (Адрес: 200117, город Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: (99865 221-29-14); факс: (99865 221-27-07); e-mail: [bsu\\_info@edu.uz](mailto:bsu_info@edu.uz), Здание Бухарского государственного университета, Блок № 1, 2 - этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована под номером 10). (Адрес: 200117, город Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: (99865 221-29-14), факс: (+99865) 221-26-12.

Автореферат диссертации разослан "18" 01 2022 года

(Протокол реестра № 1 от "01" 02 2022 года)

  
А.Э. Холлиев  
Председатель Научного совета по присуждению научных степеней, д.б.н., профессор  
Н.Э. Рашидов  
Секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, к.б.н., доцент  
Х.Т. Артикова  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня экологические проблемы, связанные с растущим использованием ресурсов пресной воды во всем мире, предотвращением загрязнения водных объектов различными отходами и возрастающим уровнем повторного загрязнения пресной воды в результате увеличения производства, негативно влияют на окружающую среду и здоровье населения. Таким образом, вода, сбрасываемая в естественные и искусственные водные объекты от жилых мест, промышленных и сельскохозяйственных предприятий, превращается в прямые сточные воды без очистки. В связи с этим большое внимание уделяется дальнейшему совершенствованию методов эффективной очистки сточных вод, а также созданию и внедрению системы эффективного использования такой воды.

В мире ведутся исследования в связи с высоким содержанием вредных соединений в сточных водах мира, над созданием возможностей биологической очистки и повторного использования очищенной воды для предотвращения нарушений здоровья населения и экологического дисбаланса, изучение кормовых рационов и биомассы водных растений для повышения продуктивности рыбоводных хозяйств. Эффективное повторное использование сточных вод в народном хозяйстве за счет использования высокоэффективных методов очистки сточных вод, процесса образования сточных вод и определения, изучения степени очистки таких вод с использованием макрофитных растений, богатых биологически активными веществами, извлечение биомассы из высших видов растений, применение полученной биомассы в качестве корма для рыб и повышение рыбопродуктивности имеют большое научное и практическое значение.

После обретения независимости наша страна добилась значительного прогресса в безупречном использовании водных ресурсов, их защите и поддержании водных ресурсов в гигиеническом порядке, биологической очистке сточных вод. В частности, усовершенствованы методы и технология очистки сточных вод с целью снижения негативного воздействия на окружающую среду при обороте воды разного уровня загрязнения и непригодной для питья. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены задачи «... дальнейшего укрепления продовольственной безопасности страны»<sup>1</sup>. Исходя из этих задач, разработаны соответствующие рекомендации по выращиванию и размножению пистии (*Pistia stratiotes* L.) и малой ряски (*Lemna minor* L.) высших водных растений, для определения физико-химического состава сточных вод сельскохозяйственных предприятий и очистки сточных вод от органических и минеральных веществ.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в Указе Президента

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О сСтратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»



